

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА СЕМИНАРЛАР ВА КУРСЛАР ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Шоназаров Бекзод Бахтиёр ўғли

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Бизнесни бошқариш (Кичик бизнес ва тадбиркорлик) Магистратура

мутахассислиги тингловчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш борасида малага оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар илмий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Шунингдек, экспорт салоҳиятини оширишда семинарлар ва курслар ташкил этишнинг аҳамияти аниқ мисоллар асосида очиқ берилган.

***Калит сўзлар:** тадбиркорлик субъектлари, бизнес, экспорт салоҳияти, семинар ва бизнес курслари, рақобат, маҳсулот.*

ABSTRACT

In this article, the measures to be taken to increase the export potential of business entities are analyzed from a scientific point of view. Also, the importance of organizing seminars and courses in increasing the export potential is revealed on the basis of concrete examples.

***Key words:** business entities, business, export potential, seminar and business courses, competition, product.*

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сонли Фармонида Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш белгиланган ва бу борада экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий кўмак бериш, транспорт харажатларини компенсация қилиш каби имтиёзлар жорий қилинди.

Жорий йилнинг 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва уларни экспорт қилувчи тадбиркорлар билан ўтказилган мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари

тўғрисидаги ПҚ-146-сонли Қарорида хорижий тилларни ўзлаштирган ёшларни экспорт амалиёти бўйича ўқитиш тизимини жорий қилиш вазифаси белгиланди.

Шунингдек, Экспорт бўйича ҳукумат комиссияси томонидан экспортчи корхоналарнинг ходимларини малака ошириш, хусусан, хорижий мамлакатларда технолог, менежерлик, ташқи иқтисодий фаолият бўйича мутахассисликлар бўйича ўқишлари Савдони ривожлантириш компанияси томонидан қоблаб берилмоқда.

Бундан кўришиб турибдики, Ҳукумат ҳам тадбиркорлик субъектларининг экспорт кўрсаткичларини яхшилаш истиқболлий мамлакатларга хусусан, БАА, Саудия Арабистони, Европа, Америка, Япония, Хитой каби давлатларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишига эришишлари учун уларнинг билим ва савияларини юксалтириш лозим деган хулосага келган.

Бундан ташқари, корхоналарда кадрлар кўнимсизлиги, меҳнат бозоридаги рақобат туфайли хорижий тилларни ўзлаштирган, экспорт ва импорт бўйича билим ва тажрибага эга ходимлар бўлган эҳтиёж юқориликча қолмоқда.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси қарийб 62,6 млрд АҚШ долларига етган.

Ташқи савдо айланмаси ҳажми 2022 йил билан солиштирилганда 23,9 фоизга ошган.


Бунда:

экспорт – 24,4 млрд (23,8 фоизга ошган)

импорт – 38,1 млрд (24 фоизга ошган)

Ташқи савдо айланмасининг нисбатан салмоқли ҳиссаси Хитой (21,9 фоиз), Россия (15,8 фоиз), Қозоғистон (7 фоиз), Туркия (5 фоиз) ва Корея Республикасида (3,7 фоиз) қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси экспорти ҳажми динамикаси
(январь-декабрь, млрд. АҚШ доллари)



Республика экспортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши
(2023 йил январь-декабрь, % да)



Мазкур маълумотлардан кўриш мумкинки Россия мамлакатимиз экспортида биринчи ўринни эгалламоқда, иккинчи ўринни Хитой ва Қозоғистон, Туркия ҳамда қўшни давлатлар асосий улушга эга.

Бизга маълумки анъанага айланган бозорларга маҳсулотларимизни экспорт қилишда давом этиш, харидорга бизнинг маҳсулотларни нархини тушуриш ва бошқа тўсиқлар яратиш каби имкониятларни кўпайтиради.

Албатта, “МДХ давлатларига 1 долларга соғандан, Европага 10 долларга сотган яхши” деган гапларни кўп эшитганмиз. Хўш ўзи истиқболлий бозорларга маҳсулотингизни қандай экспорт қилиш, харидорни қаердан топиш, шартнома тузишда нималарга аҳамият бериш керак, логистика ва инкотермс

шартларида қай бирини танлаш керак каби саволларга жавобни тадбиркор биладими. Тадбиркорлар экспорт амалиёти бўйича кимдан ёрдам сўраши керак.

Шу нуқтаи назардан, экспорт қилишда эътибор бериш керак бўлган жиҳатларни шунингдек, экспорт кадамларини, истикболлий бозорлардан харидор топиш йўлларини ўргатувчи ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган семинарлар ва курслар ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мисол учун, экспорт шартномаларида инкотермс шартлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаган корхоналар халқаро савдода нотўғри инкотермс кодини белгилаш оқибатида маҳсулотидан айрилиши ёки харажатлари ошиб кетиши мумкин.

Хорижий кўرғазмаларда иштирок этишда кўрғазмалар савияси, ўтган йилги иштирокчилари сони, иштирокчи давлатлар ҳақида аниқ маълумот олмасдан туриб маблағ сарфлаб кўрғазмага иштирок этишингиз бу пулни ҳавога совуриш дегани.

Бугунги кунда мамлакатимизда 6 мингдан ошиқ экспорт қилувчи корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг сони кундан кунга ошиб бормоқда. Эндиликда кишлоқ хўжалиги маҳсулотини тўғридан-тўғри экспорт қилиш эмас, уни қайта ишлаб, саралаб ва қадоқлаб бренд остида экспорт қилаётган корхоналар сони ҳам ошиб бормоқда.

Маҳсулотларини ички бозорда сотиб юрган тадбиркорлар эндиликда маҳсулотларини экспорт қилишни исташмоқда ва ҳозирда “қандай экспорт қилсам бўлади?” деган савол кўпаймоқда ёки “экспорт бўйича мутахассис керак ишга оламан яхши ойлик бераман” деган гапларни ҳам кўб эшитмоқдамиз.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки ташқи иқтисодий фаолият бўйича мутахассисликка олий таълим муассасаларида дарслар жорий қилиш, тадбиркорлар учун экспорт амалиёти бўйича семинарлар ва курслар ташкил этиш бугунги куннинг талаби бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES):

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017 йил.
2. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, ПФ-60,-28.01.2022 йил.

3. Казаков О.С. Менежментга кириш. Дарслик. Тошкент. “Фан зиёси” нашриёти, 2021 й.
4. Самадов А.Н., Носирова Н.Ж. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида ривожланиши. II Халқаро илмий-амалий конференция. Ўзбекистон Республикаси ҳаракатлар стратегияси: макроиқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари, IV Шуъба 2019 йил, 27-28 май. Т.: ТДИУ, Б 377-385;